


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5611600- Ноширлик иши

бакалавриат таълим
йўналишининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» 08 даги 418- сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мазкур Малака талаби 5611600 – Ноширлик иши таълим йўналиши Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Мазкур Малака талабини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 5611600 - Ноширлик иши бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи.....	4
1.1. Қўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1. 5611600 - Ноширлик иши таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 5611600 - Ноширлик иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....	4
1.2.1. 5611600 - Ноширлик иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	5
1.2.2. 5611600 - Ноширлик иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3. 5611600 - Ноширлик иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	6
1.2.4. 5611600 - Ноширлик иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	6
2. 5611600 - Ноширлик иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	9
2.1. Умумий компетенциялар.....	9
2.2. Касбий компетенциялар.....	10
2.3. Бакалавр даражаси квалификацияси.....	10
3. 5611600 - Ноширлик иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар.....	11
3.1. 5611600 - Ноширлик иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар.....	11
3.2. 5611600 - Ноширлик иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми.....	12
Библиографик маълумотлар.....	13

1. 5611600 – Ноширлик иши бакалавр таълим йўналишининг умумий тавсифи

5611600 – Ноширлик иши бакалавр таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида ўқитиш кундузги (кечки ва сиртки) таълим шаклларида амалга оширилади.

Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати тўрт йил. Бакалаврият дастурларида кечки ва сиртки таълим шакллари бўйича меъёрий ўқиш муддатлари фаркланиши мумкин. Кечки ва сиртки таълим шаклларида меъёрий ўқиш муддатлари кундузги таълимнинг меъёрий муддатига нисбатан камида тенг бўлиши, аммо бир йилдан кўп бўлмаслиги лозим. Кечки ва сиртки таълим шаклларида меъёрий ўқиш муддатлари олий таълим ташкилоти томонидан мустақил белгиланади.

Бакалаврият дастурларини амалга оширишда олий таълим ташкилоти электрон ўқитиш ва масофавий таълим технологиялардан кенг қўллаши лозим. Хусусан, жисмоний чекланган (ногирон) талабаларни ўқитишда электрон ўқитиш ва масофавий таълим технологиялари орқали ўқув материалларини эркин шаклда олиш ва узатиш имконияти таъминланиши керак.

Фан дастурларининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» даражаси ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) - йўналиш бўйича квалификацияси киритилган «диплом» иловаси билан берилади.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 5611600 – Ноширлик иши таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши

Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5611600- Ноширлик иши** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

Олий таълим муассасаси мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаби асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

1.1.2. Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:

-мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим ташкилотларининг профессор - ўқитувчилари;

-таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув ҳамда тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

-ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув-услубий бошқармаси (бўлим) бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

-битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Таълим сифатини назорат қилиш бўлими, Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

-олий таълим ташкилотни молиялаштиришни таъминловчи органлар;

-олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

-таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5611600 – Ноширлик иши йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 5611600 – Ноширлик иши бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий фаолиятининг соҳалари:

5611600 – Ноширлик иши бакалаврият таълим йўналиши нашриётлар ва матбаа корхоналари, нашриёт-матбаа мажмуалари, интернет нашрлари учун бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш жараёнида фойдаланиладиган фанлар, фаолият воситалари, усуллари, методлари; ноширлик маҳсулотини босма ва рақамли шаклда чиқариш ва тарқатиш, ноширлик иши соҳасидаги технология, техник ва дастурий маҳсулотлар, иктисодиёт, бошқарув ва маркетинг, илмий тадқиқот;

- гуманитар соҳадаги илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа тармоқ илмий-тадқиқот институтларида мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш;

- оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини камраб олади.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.

1.2.2. 5611600 – Ноширлик иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:

- Ноширлик иши жараёнлари, китоб, журнал, газета, босма нашр, электрон нашр, матн, бадиий адабиёт, вербал ва визуал маълумотлар, муаллиф маълумотларининг оригинали, нашр оригинали, рақамли ҳужжат, маълумотларни қайта ишлаш, сақлаш, узатиш, тарқатишнинг воситалари ва технологиялари, таҳрир-ноширлик фаолиятининг шакл ва жараёнлари, ноширлик иши маҳсулотларини тарқатиш, ноширлик ишининг ахборот-аналитик ва ташкилий-бошқарув таъминоти, ноширлик иши соҳасида илмий тадқиқотлар, ноширлик ишининг замонавий технологиялари ва методлари, назарий масалалари; рақамли дизайн технологиялари, нашр ишларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, ноширлик иши соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; жараённи бошқариш ва фаолиятни ташкил этиш, маркетинг, компьютер дизайнининг замонавий шакллари;

- ноширлик асослари, таҳрир назарияси ва техникаси, таҳрир асослари,

- ўзбек тили: назарий ва амалий, синхрон, диахрон, ижтимоий-маданий; имло муаммолари; нутқ маданияти ва ОАВ тили, ўзбек тилининг амалий стилистикаси, давлат тилида иш юритиш, матн лингвистикаси;

- Web-дизайн, нашриёт-матбаа жараёнлари технологияси, рақамли саҳифалаш, медиалойиҳалаштириш ва график дизайн, ноширлик ишида ахборот технологиялари, электрон нашрлар технологиялари, мультимедиа ва онлайн-нашрлар, компьютерли иллюстрация ва дизайн, ноширликнинг ҳуқуқий асослари, ноширлик иши менежменти ва маркетинги, блогосфера асослари, логотип дизайни;

- мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари, лойиҳавий инновацион фаолият жараёни.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий

фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.

5611600-Ноширлик иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолияти қуйидагиларни камраб олади:

- *нашириётлар ва матбаа корхоналари, нашириёт-матбаа мажмуалари, интернет нашрларида, ОАВда нашр учун масъул муҳаррир, техник муҳаррир, мусахҳих, дизайнер-рассом, бильд-муҳаррир (фотосуратларни танловчи муҳаррир), контент-менеджер, копирайтер (реклама матнларини ёзадиган мутахассис), медиа-менеджер, медиабайер, медиа-дизайнер, лойиҳа менежери лавозимларида ишлаш;*
- *таълим тизимида кабинет мудири, методист, лаборант ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;*
- *мос таълим йўналишлари бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида методист бўлиб ишлаш;*
- *ижтимоий-гуманитар йўналишдаги илмий-тадқиқот ташкилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;*
- *архивларда, ахборот-ресурс марказларида маслаҳатчи-методист; қўлёзма фондларида, турли тадбиркорлик субъектларида, нодавлат ва жамоат ташкилотларида ишлаш;*
- *маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жойлардаги маънавият ва маърифат марказларида ишлаш.*

1.2.3. 5611600 – Ноширлик иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- *таҳрир – ноширлик;*
- *илмий-тадқиқот;*
- *лойиҳалаш-инновацион;*
- *ташкилий-бошқарув.*

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим ташкилоти томонидан аниқланади.

1.2.4. 5611600 - Ноширлик иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари

5611600 – Ноширлик иши таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:

Ноширлик фаолиятида:

- *ноширлик иши тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, зарурий материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ноширлик ишига оид материалларни моделлаштириш малакасига эга бўлиш;*
- *хорижий тилларни мукамал эгаллаш ва улардан касбий фаолиятда фойдалана олиш;*
- *муаллифлар ва қўлёзмалар билан ишлаш, уларни таҳрирлаш, нашириётларнинг турли бўлимлари (логистика, ишлаб чиқариш, маркетинг, таркатиш), китоблар ва*

- серияларни дастлабки материални қайта кўриб чиқишдан тортиб, нашрга тайёрлаш малакасига эга бўлиш;
- масъул муҳаррир сифатида интернет-порталда ёки босма нашрда ёхуд ахборот агентлиги лентасидаги маълумотларни жойлаштириш, фактурани, яъни нашр концепциясининг ғоясига материаллар ва мавзунинг мослигини текшириш, таъсирчан сарлавҳаларни ўйлаб топиш, ижодий гуруҳ ишини мувофиқлаштириш, нашрларнинг тематик режасини тайёрлаш, синчиклаб қилинган таҳрирдан сўнг материални матбуотда ёритишга олиш малакасига эга бўлиш;
 - бильд- муҳаррир (фотосуратларни танловчи муҳаррир) сифатида мақола учун фотосуратларни топиш, фотосуратлар сифатини баҳолаш, ретуш, фотоматериалнинг саҳафага жойлаштириш билан шугулланиш малакасига эга бўлиш;
 - контент-менеджер (нашр ёки веб-сайт мазмуни учун масъул шахс) сифатида веб-сайтни зарурий мазмун (матнли ва график маълумотлар) билан тўлдириш, фойдаланувчилар билан интерактив ишлаш, мулоқот қилиш малакасига эга бўлиш;
 - копирайтер (реклама матнларини ёзадиган мутахассис) сифатида реклама қилинган маҳсулотни сотиб олиш истагини пайдо қила оладиган матн ёзиш малакасига эга бўлиш;
 - мусаххих сифатида матнни асл нусхаси билан солиштириш ва матн терувчилар томонидан йўл қўйилган имловий ва ишоравий хатоларини тузатиш, ўрнатилган техник коидаларнинг бузилишини бартараф этиш, расмлар, схемалар, диаграммалар остидаги ёзувларни, сатрдаги ҳарфлар орасидаги масофанинг тўғри бўлишини текшириш малакасига эга бўлиш;
 - медиа-менеджер сифатида турли масс-медияларини бошқариш, уларнинг ривожланиш стратегиясини белгилаш, медиа-лойиҳаларни бошқариш ва турли оммавий ахборот воситаларида медиа-маҳсулотларни яратиш, медиа-режалаштиришни амалга ошириш, бренд стратегиясини ва бозорда ОАВ маркетингини белгилаш, реклама бюджетларини тузиш, реклама берувчилар учун фойдали таклифларни ишлаб чиқиш ва бошқа иктисодий масалалар билан шугулланиш кўникмасига эга бўлиш;
 - медиабайер сифатида нашриёт уйлари билан шартнома тузиш ва унинг тўлиқ бажарилишини назорат қилиш: кафолат хатларидан тортиб, макетни етказиб бериш ва тўловлар, счёт-фактураларни олиш, қабул қилиш далолатномалари ва синов нусхалари (эълон қилинган реклама нашрлари нусхалари) билан шугулланиш кўникмасига эга бўлиш;
 - медиа-дизайнер сифатида медиа-маҳсулотни лойиҳалашни амалга ошириш, буюртмачиларнинг хошишига кўра дизайн-концепциялар ишлаб чиқиш, тижорат таклифларини бадиий безаш (лойиҳаларни тақдимот қилиш), ностандарт реклама конструкцияларни 3D-визуализация қилиш, турли форматдаги ташқи реклама учун макетларни яратиш, файлларни нашрга тайёрлаш кўникмасига эга бўлиш;
 - Adobe Photoshop, Adobe Illustrator, Adobe Indesign, Corel Draw, Power Point, 3D-MAX, AdobePremier Pro, Adobe After Effects ларда ишлаш кўникмасига эга бўлиш;
 - ҳар қандай мультимедиа маҳсулоти хусусида, дизайн, видео, рақамли, замонавий мультимедиа тенденциялари ва реклама соҳасидаги техник янгиликлардан хабардор бўлиш;
 - ўзбек тили ва адабиётини, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий-назарий, фалсафий-эстетик асосларини чуқур ўзлаштириш;
 - ўзбек тили ва адабиётининг бой имкониятларидан фойдалана олиш, бунинг учун ўз устида тинимсиз ишлаш, мустақил билим олиш кўникмаларини шакллантириш;
 - Ватанга муҳаббат ва садоқат, умумбашарий кадриятларга ҳурмат руҳида шаклланиб бориш;
 - кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган маънавий етук мутахассис сифатида шаклланиш;

- ривожланган хорижий мамлакатлар ноширлик иши тизими билан яқиндан танишган ҳолда, улардаги илғор усулларини жараёнга татбиқ қила олиш **қобилиятига эга бўлиши керак.**

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- ўзбек тили ва адабиёти соҳасида олинган назарий амалий билимларни қўллаш орқали илмий тадқиқотлар олиб бориш;
- ноширлик ишига оид таҳрир-ноширлик, ахборот ва маркетинг технологияларида инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, асослаш ва татбиқ қилиш;
- тадқиқотлар натижасини рефератлар, тақдимотлар, илмий маърузалар, илмий мақолаларда тақдим қилиш;
- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда соҳага оид назарий масалалар мавзуларида тадқиқотлар олиб бориш;
- тадқиқот мавзусига оид инглиз тилидаги материалларни ўқий олиш ва амалда қўллаш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;
- касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;
- ноширлик ишига оид хорижий давлатлардаги илмий тадқиқотларни ўрганиш;
- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш **қобилиятига эга бўлиши керак.**

Лойиҳалаш-инновацион фаолиятида:

- ноширлик корхонаси ва ноширлик соҳасининг инновацион ривожланиш суръатини ошириш учун ноширлик ишидаги тадбиркорликнинг тарихий тажрибасидан ва замонавий таҳрир-ноширлик иши ютуқларидан кенг фойдаланиш;
- ноширлик корхонасининг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш учун китоб бозори, электрон нашрлар бозори, оммавий ахборот воситалари бозори ва рақобат муҳитини тадқиқ қилиш;
- янги ноширлик лойиҳаларини яратиш, уларнинг концепциялари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, ноширлик корхонасининг мавзуйий ва ишлаб чиқариш режаларини шакллантириш;
- ноширлик фаолиятидаги лойиҳалаш юзасидан назорат олиб бориш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- ноширлик фаолиятидаги лойиҳалашни ахборот-библиографик таъминлаш ва реклама қилиш **қобилиятига эга бўлиши керак.**

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда миллий тил ва адабиётнинг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;
- ноширлик маҳсулотини тарғиб қилиш ва тарқатиш фаолиятида ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;
- ноширлик маҳсулотини тарғиб қилиш бўйича маркетинг тадбирларини ташкил қилиш;
- ноширлик маҳсулотини тарғиб қилиш фаолиятини ахборот-библиографик таъминлаш;

- ноширлик махсулотини улгуржи ва чакана таркатиш каналлари ассортиментини талаб ва таклифлар асосида шакллантириш;
- миждозлар базасини тахлил килиш;
- жамода иждимой ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;
- фикрлар хар хил бўлганда тўғри қарор қабул килиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат килиш ва амалга оширилган ишнинг натижасини баҳолаш *қобилиятига эга бўлиши керак.*

2. 5611600 – Ноширлик иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- Ноширлик соҳасидаги замонавий ахборот технологияларининг амалий дастурлар пакетларидан фойдаланишни билиш;
- Ахборот коммуникация технологиялари учун махсус ахборот тизимларини ишлаб чиқаришни билиш;
- Маълумотларни тахлил килиш, мантикий фикрлашни ошириш ва ментал арифметикага доир билим ва кўникмаларга эга бўлиш;
- Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш;
- Дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиш;
- Амалий рус тилини ўрганиш;
- Хорижий тил – инглиз тилини ўрганиш;
- Тарбия жараёнида турли ёшдаги болалар ва ўсмирлар организмнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш, зарарли одатлар, гиёхвандликнинг олдини олиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг тиббий-гигиеник асослари ҳақида билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- Ноширлик иши асосларини, тарихини, замонавий ҳолатини ўрганиш;
- Ноширлик ишида фойдаланиладиган замонавий ахборот технологиялари ҳақида умумий маълумотга эга бўлиш ва касбий фаолиятда фойдалана олиш;
- Мультимедиа технологияларнинг ишлаш принципи, техник ва дастурий таъминоти, имкониятлари, йўналишлар соҳасидаги мутахассисликка оид онлайн нашрлик кўникмаларини ва тайёр дастурий таъминотлардан фойдалана олиш малакасини ҳосил килиш;
- Матн бирликлари, матн типлари, матнда парцелляция ҳодисаси, матннинг таркиби қисмларини боғловчи воситалар, матннинг лингвостатистик тахлилини билиш;
- Таҳрир назарияси ва техникасини ўрганиш;
- Замонавий веб -технологияларнинг ишлаш принципи, техник ва дастурий таъминоти, имкониятлари, йўналишлар соҳасидаги мутахассисликка оид веб дизайнерлик кўникмаларини ва тайёр дастурий таъминотлардан фойдалана олиш малакасини ҳосил қилиш;
- Таҳрир тарихи, муҳаррирнинг нашр жараёнидаги ўрни ва аҳамияти, матн тахлили ва таҳрири, матн яхлитлиги, матн қисмларининг уйғунлиги, ёзма нутқ талаблари, матннинг мантикий тахлили кабиларни ўрганиш;
- Сўз қўллашнинг ўзига хос услубий йўллари, сўз туркумларининг матн таркибидаги услубий роли, синтаксиснинг услубий хусусиятлари, функционал услублар, сўзлашув услубининг лексик-фразеологик хусусиятларини ўрганиш;
- Жорий имло қоидаларини мукамал билиш, имло қоидаларида юзага келган мунозарали ўринларга муносабат билдириш кўникмасини шакллантириш;
- Рақамли нашриёт, Рақамли ОАВ нашр этиш ва Блог яратиш: мульти-медия мазмунли блог яратишни билиш;

- Ноширлик иши фаолиятини ташкиллаштириш ва иш жараёнини бошқариш бўйича билим ва кўникма ларга эга бўлиш ва касбий фаолиятда фойдалана олиш;
- Компьютер графикаси, растрли ва векторли графика амалий дастурларида ишлашни ўрганиш;
- Жаҳон ва ўзбек адабиётининг энг сара намуналарини билиш, бадиий матн билан ишлашни ўрганиш;
- Ҳозирги ўзбек адабий тили, унинг бўлимлари-фонетика, лексикология, морфология, синтаксис матн лингвистикаси каби бўлимларни тўлиқ ўзлаштириш;

2.2. Касбий компетенциялар:

- Замонавий ахборот технологияларининг амалий дастурлар пакетларидан фойдаланишни ва натижа олишни билиш;
- Махсус ахборот тизимларини ишлаб чиқаришни ва натижа олиш билиш;
- Математик маълумотларни таҳлил қилиш, мантикий фикрлашни ошириш ва ментал арифметикани билиш ;
- Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш;
- Дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиш;
- Амалий рус тилини ўрганиш;
- Инглиз тилида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниш, касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиш;
- Тарбия жараёнида турли ёшдаги болалар ва ўсмирлар организмнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш, зарарли одатлар, гиёҳвандликнинг олдини олиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг тиббий-гигиеник асослари ҳақида билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- Китоб тарихи, босма ишлар тарихи, газеталар ва журналларни нашр қилиш тарихи, ноширлик ишига оид давлат ҳужжатлари, ноширлик ишининг технологик схемаси, ноширлик маҳсулотларининг тури ва типлари, қўлёзма ва оригинални расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар, ноширлик маҳсулоти ўлчаш бирликлари, полиграфик ишлар учун материаллар, ноширлик маҳсулотида чиқиш маълумотлари, китобларни рақамлашнинг халқаро стандартлари, серияли маҳсулотларни рақамлашнинг халқаро стандартлари, муаллифлик ҳуқуқи ҳақидаги билимларга эга бўлиш, уларни ўз фаолиятида қўллаш;
- Ноширлик ишида фойдаланиладиган замонавий ахборот технологиялари касбий фаолиятда фойдалана олиш;
- Мултимедиа технологияларнинг ишлаш принципи, техник ва дастурий таъминоти, имкониятлари ва тайёр дастурий таъминотлардан фойдалана олишни билиш;
- Матн таърифи масаласи, матн бирликлари, матн типлари, матн таркибий қисмини боғловчи воситалар, матн ва унинг лингвистик таҳлили, бадиий матн ва уни шакллантирувчи воситалар ҳақидаги маълумотларни билиш, бу билимлардан ноширлик иши фаолиятида фойдалана олиш
- Матнни нашрга тайёрлаш назарияси, муҳаррирлик тарихи, муҳаррирнинг ижтимоий позицияси ва эркинлиги, муҳаррирнинг касбий хислатлари, жанрлар типлари ва турлари, муҳаррир ишининг спецификаси ва алгоритми, матикий таҳлил, сарлавҳалар таҳлили, фактчинг, тил ва услуб юзасидан таҳлиллар, хатолар: табиати, типлари ҳақидаги билимларга эга бўлиш, бу билимлардан ноширлик иши фаолиятида фойдалана олиш;
- Веб технологияларнинг ишлаш принципи, техник ва дастурий таъминоти, имкониятлари ва веб дизайнерлик кўникмаларини ва тайёр веб сайтлар ҳосил қилишни билиш;
- Жаҳон ва ўзбек адабиётининг таркибий қисмлари, адабий тур ва жанрлар тушунчаси, мумтоз адабиёт тушунчаси ва унинг хусусиятлари, ўзбек адабиёти тарихининг тараққиёт босқичлари, жаҳон адабиёти тарихининг назарий

муаммолари, жаҳон адабиёти дурдоналарини таҳлил қилиш, жаҳон адабиёти намояндлари ҳақида тизимли билимларга эга бўлиш, бу билимлардан таҳрир жараёнида фойдалана олиш;

- Фонетиканинг услубий хусусиятлари, муаллифга хос услубий воситалар, лексик бирликлар ва уларнинг услубий ўрни, сўз қўллашнинг ўзига хос услубий йўллари, сўз туркумларининг матн таркибидаги услубий роли, синтаксиснинг услубий хусусиятлари, функционал услублар, тиниш белгиларидан ўринли ва тўғри фойдаланиш имкониятлари, тиниш белгиларидан ўринли фойдаланишнинг кенг услубий имкониятларини билиш, бу билимлардан таҳрир жараёнида фойдалана олиш;

- График, орфографик ва пунктуацион меъёрлар, ёзув тарихи, ўзбек имло қоидалари, пунктуацион меъёрлар тарихи, тиниш белгилари турлари, уларнинг қўлланиш ҳолатлари, товушлар тизими ва унинг ёзувда акс этишин билиш, жорий имло қоидаларида юзага келган мунозарали ўринларга муносабат билдириш кўникмасини шакллантириш, бу билимлардан таҳрир жараёнида фойдалана олиш;

- Рақамли ва ОАВ нашр этиш ҳамда Блог яратиш: мультимедия мазмунли блог яратишни билиш ва натижа олиш;

- Ноширлик иши фаолиятини ташкиллаштириш ва иш жараёнини бошқариш ва касбий фаолиятда фойдалана олишни билиш;

- Компьютер графикаси, растрли ва векторли графика амалий дастурларидан фойдалана олиш ва натижа олиш;

- Ҳозирги ўзбек адабий тили, унинг бўлимлари-фонетика, лексикология, морфология, синтаксис матн лингвистикаси каби бўлимларни тўлиқ ўзлаштириш, бу билимлардан таҳрир жараёнида фойдалана олиш;

Бакалаврият дастурини ишлаб чиқишда ташкилот бакалавр дастурининг маълум билим ва (ёки) фаолият турига (йўналишига) йўналишини ҳисобга олган ҳолда битирувчиларнинг қўшимча компетенциялар билан тўлдиришга ҳақлидир.

2.3. Қуйидаги бакалавр даражаси квалификацияси берилади:

- Мухаррир, техник муҳаррир, мусаххих, дизайнер-рассом, бильд-муҳаррир компьютер муҳандиси.

3. 5611600 - Ноширлик иши бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

3.1. 5611600 – Ноширлик иши бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўташи ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, таътиллер, семестрлар бўйича ўтиладиган “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумкасбий фанлар”, “Махсус фанлар”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим

муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

3.2. 5611600 – Ноширлик иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*
Назарий ва амалий таълим*	40-60%
<i>Шу жумладан, мустақил таълим</i>	-
Аттестация	6-8%
Таътил	10-30%
Малакавий амалиёт	15-30%
Битирув малакавий иши**	2-3%

* Назарий таълим таркибига аттестациялар ҳам киради.

** Битирув малакавий иши таркибига уни химоялаш бўйича Давлат аттестациялари ҳам киради.

Ўқишнинг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Назарий ва амалий таълим	106 ҳафта
Малака амалиётлари	30 ҳафта
Битирув малакавий иши ёки давлат аттестацияси	5 ҳафта
Аттестациялар	21 ҳафта
Таътилар	42 ҳафта
Жами	204 ҳафта

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий ва амалий таълим –	51 %;
аттестация –	10 %;
таътил –	20 %;
малака амалиёти –	17 %;
битирув малакавий иши –	2 %.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002: 651. 1/17
ОКС 01.040.01

Гуруҳ Т 55

Таянч сўзлар:

Давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа, компетенция, кредит, модуль, касбий фаолият турлари, амалиёт объекти, кадрлар сифати, касбий фаолият тури, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли; ҳозирги ўзбек тили, нутқ, меъёр, ўзбек адабиёти, матн лингвистикаси, веб-технологиялар, раамли технологиялар, юклама, юклама ҳажми, моделлар ва моделлаштириш, илмий бошқариш, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаштириш, фан ишчи дастурлари, замонавий улчов асбоблари, илмий тадқиқотларни ташкил этиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

Ишлаб чиқувчи, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети



Ректор Ш.Сирожиддинов

2020 йил « 13 » 08

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси


Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази



Директор З. Хакимов

2020 йил « _____ » _____

М.Ў.



“Мухаррир нашриёти” МЧЖ

Директори Г.Умурзаков

2020 йил « 13 » 08

М.Ў.


**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
бакалаврият таълим йўналишлари учун янгидан яратиладиган малака талабларига
киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши битирувчилари
касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий
компетентлик талаблари)**

т/р	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалаврият таълим йўналиши		Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	Шифри	Номи	
1.	5611600	Ноширлик иши	<p>Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ноширлик иши тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, зарурий материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ноширлик ишига оид материалларни моделлаштириш малакасига эга бўлиш; - хорижий тилларни мукамал эгаллаш ва улардан касбий фаолиятда фойдалана олиш; - муаллифлар ва қўлёзмалар билан ишлаш, уларни тахрирлаш, нашриётларнинг турли бўлимлари (логистика, ишлаб чиқариш, маркетинг, тарқатиш), китоблар ва серияларни дастлабки материални қайта кўриб чиқишдан тортиб, нашрга тайёрлаш малакасига эга бўлиш; - масъул муҳаррир сифатида интернет-порталда ёки босма нашрда ёхуд ахборот агентлиги лентасидаги маълумотларни жойлаштириш, фактурани, яъни нашр концепциясининг ғоясига материаллар ва мавзунинг мослигини текшириш, таъсирчан сарлавҳаларни ўйлаб топиш, ижодий гуруҳ ишини мувофиқлаштириш; - бильд- муҳаррир (фотосуратларни танловчи муҳаррир) сифатида мақола учун фотосуратларни топиш, фотосуратлар сифатини баҳолаш, ретуш, фотоматериалнинг саҳафага жойлаштириш билан шуғулланиш малакасига эга бўлиш; - контент-менеджер (нашр ёки веб-сайт мазмуни учун масъул шахс) сифатида веб-сайтни зарурий мазмун (матнли ва график маълумотлар) билан тўлдириш, фойдаланувчилар билан интерактив ишлаш, мулоқот қилиш малакасига эга бўлиш; - копирайтер (реклама матнларини ёзадиган мутахассис) сифатида реклама қилинган маҳсулотни сотиб олиш истагини пайдо қила оладиган матн ёзиш малакасига эга бўлиш; - мусахҳих сифатида матнни асл нусхаси билан солиштириш ва матн терувчилар томонидан йўл қўйилган имловий ва ишоравий хатоларини тузатиш.

			<p>ўрнатилган техник қоидаларнинг бузилишини бартараф этиш, расмлар, схемалар, диаграммалар остидаги ёзувларни, сатрдаги ҳарфлар орасидаги масофанинг тўғри бўлишини текшириш малакасига эга бўлиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - медиа-мененжер сифатида турли масс-медияларини бошқариш, уларнинг ривожланиш стратегиясини белгилаш, медиа-лойиҳаларни бошқариш ва турли оммавий ахборот воситаларида медиа-маҳсулотларни яратиш, медиа-режалаштиришни амалга ошириш, бренд стратегиясини ва бозорда ОАВ маркетингини белгилаш, реклама бюджетларини тузиш, реклама берувчилар учун фойдали таклифларни ишлаб чиқиш ва бошқа иқтисодий масалалар билан шуғулланиш кўникмасига эга бўлиш; - медиабайер сифатида нашриёт уйлари билан шартнома тузиш ва унинг тўлик бажарилишини назорат қилиш: кафолат хатларидан тортиб, макетни етказиб бериш ва тўловлар, счёт-фактураларни олиш, қабул қилиш далолатномалари ва синов нусхалари (эълон қилинган реклама нашрлари нусхалари) билан шуғулланиш кўникмасига эга бўлиш; - Adobe Photoshop, Adobe Illustrator, Adobe Indesign, Corel Draw, Power Point, 3D-MAX, AdobePremier Pro, Adobe After Effects ларда ишлаш кўникмасига эга бўлиш; - ҳар қандай мультимедиа маҳсулоти хусусида, дизайн, видео, рақамли, замонавий мультимедиа тенденциялари ва реклама соҳасидаги техник янгиликлардан хабардор бўлиш; - ўзбек тили ва адабиётининг бой имкониятларидан фойдалана олиш, бунинг учун ўз устида тинимсиз ишлаш, мустақил билим олиш кўникмаларини шакллантириш; - Ватанга муҳаббат ва садокат, умумбашарий кадриятларга ҳурмат руҳида шаклланиб бориш; - кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган маънавий етук мутахассис сифатида шаклланиш; <p>-ривожланган хорижий мамлакатлар ноширлик иши тизими билан яқиндан танишган ҳолда, улардаги илғор усулларини жараёнда татбиқ қила олиш</p>
--	--	--	--

"Мухаррир нашриёти" МЧЖ директори

Г.И. Умурзаков



Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги

Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор

технологияларни татбиқ этиш маркази

З. Ҳақимов

